


Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида соҳасида фаолият кўрсатаётган жами юридик шахслар сони 22152 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 236 тага ёки 1,1 % га камайган. Шунингдек, 2019 йил январь-март ойларида вилоятда 356 та қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётганлар юридик шахсларни ҳудудлар кесимида таҳлили, бирликда



2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2661,4 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 %, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2478,6 млрд. сўмни (102,8 %), ўрмончилик хўжаликларида 145,6 млрд. сўмни (101,8%), балиқчилик хўжаликларида 37,2 млрд. сўмни (105,2 %) ташкил қилди.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Паркент (104,3%) Тошкент (103,7%) Пискент (102,8 %) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Ўртачирчиқ (100,8%), Бекобод (101,0%) Янгийул (101,2%) Оҳангарон (101,3%) туманларда паст ўсиш суръатлари билан яқунланди.

2019 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ҳажми, млрд.сўмда



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлар)ининг катта ҳажми Зангиота туманида 293,7 млрд.сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди, Қибрай ва Янгийул туманларида мос равишда 206,3 млрд. сўм ва 208 млрд. сўм кузатилди. Энг кам ҳажм Оҳангарон (3,2 млрд. сўм) ва Янгийул (3,5 млрд.сўм) шаҳарларида қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)
умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %да**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Зангиота туманининг улуши 11,0 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Янгийўл 7,8 % Қибрай тумани 7,8 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Янгийўл шаҳар (0,1 %), Нурафшон шаҳар (0,7 %) ва Олмалиқ шаҳар (0,5 %) шаҳарларида қайд этилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




2019 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,0 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 95,1 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 103,8 % ни ташкил қилди.

Дехқончилик. 2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан, 22 тонна картошка қазиб олинди, 13,3 минг тонна сабзавот (91,0%) йиғиб олинди, 58 тонна мева ва резаворлар (103,6 % ташкил қилди) етиштирилди.


2019 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

**Сабзавот
(тонна)**




Етиштирилган сабзавот экинларининг юқори кўрсаткичлари Зангиота 3154 тонна, Тошкент 2759 тонна, Чиноз туманида 2068 тоннани ташкил этган бўлиб, паст кўрсаткич Олмалик 1 тонна, Оҳангарон 3 тонна, Ангрен 3 тонна шаҳарларига тўғри келди.

Мевалар ва резаворлар (тонна)




Картошка (тонна)



Тошкент вилоятида жорий йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 58 тонна мевалар ва резаворлар етиштирилган бўлиб, шундан 23 тонна Тошкент, 15 тонна Қибрай, 8 тонна Зангиота, 7 тонна Бўка, 5 тонна Юқоричирчиқ туманлар улушига тўғри келмоқда.

Шунингдек, вилоят бўйича жами 2019 йил январь-март ойларида 22 тонна тонна картошка қазиб олинган бўлиб, шундан 16 тоннаси Қуйичирчиқ, 4 тоннаси Янгийўл ва 2 тоннаси Бекобод туманларининг улушига тўғри келди.

Кўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)







Чорвачилик. 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,1 % (жами 856,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,5 % (363,2 минг бош), кўй ва эчкилар 102,1 % (879,9 минг бош), отлар 100,9 % (49258 бош) ва паррандалар 100,8 % га (13,8 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 84,9 %, сут ишлаб чиқаришда 95,8 %, тухум ишлаб чиқаришда 53,3 % ни ташкил этди.

2019 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Йирик шохли корамол	856,5	101,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	63,2	102,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	754,9	100,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	38,4	108,3
улардан сигирлар	363,2	100,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	21,3	104,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	331,3	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	10,6	110,5
Қўй ва эчкилар	879,9	102,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	201,6	103,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	649,1	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	29,2	111,7
Отлар	49,3	100,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	6156	101,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	41211	100,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1891	103,6
Паррандалар (минг бош)	13838,1	100,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	695,1	112,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	9126,8	99,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4016,2	102,3

Чорва моллари ва паррандалар бош сонida хўжаликлар тоифаларининг улуши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 88,1 %, фермер хўжаликларида эса 7,4 %, шу жумладан, сигирлар мос равишда 91,2 % ва 5,9 %, қўй ва эчкилар 73,8 % ва 22,9 %, отлар 83,7 % ва 12,5 %, паррандалар 65,9 % ва 5,0 % ташкил этди.

2019 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 65,3 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-мартга нисбатан (5,2 % кўп), 151,2 минг тонна сүт (1,6 % кўп), 242,8 млн. дона тухум (2,4 % кўп) ишлаб чиқарилди.

**2019 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**




Йирик шохли қорамоллар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич Бўстонлик туманида 77,6 минг бош ва Бекобод туманида 72,9 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 2 минг бош, Олмалик 2,3 минг бош ҳамда Нурафшон шаҳарларида 4,1 минг бошни ташкил этди.

Шу жумладан сигирлар энг юқори кўрсаткич Бўка 30,8 минг бош ҳамда Бекобод туманларида 30,4 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 0,4 минг бош ва Олмалик шаҳарларига 1,5 минг бош тўғри келган.


2019 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг т	65,3	105,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1,9	102,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	53,6	96,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,8	213,0
Сут, минг т	151,2	101,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	8,4	102,3
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	136,5	101,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	6,3	107,8
Тухум, млн. дона	242,8	102,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	13,1	103,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	116,2	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	113,5	103,4

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)



2019 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



2019 йилнинг январь-март ойларида гўшт ишлаб чиқариш ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп ишлаб чиқарган ҳудудлар Зангиота 6,5 минг тонна, Ўртачирчик 5,5 минг тонна, Янгийўл туманлари 5,1 минг тонна бўлса, Янгийўл 0,1 минг тонна Оҳангарон шаҳарларида 0,2 минг тонна кам ишлаб чиқарилган.

Бўстонлик 14,2 минг тонна, Юқоричирчик 12,7 минг тонна, Бекобод туманлари 12,4 минг тонна сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Оҳангарон 0,1 минг тонна, Янгийўл 0,1 минг тонна, Нурафшон шаҳарлари 0,3 минг тонна сут ишлаб чиқариб нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади.

Тухум (млн. дона)



Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилнинг январь-март ойларида энг юқори кўрсаткични Қибрай 54,8 млн.дона, Зангиота 36,9 млн.дона, Ўртачирчиқ туманларида 36,1 млн.донани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Бекобод 0,3 млн.дона, Нурафшон 0,4 млн.дона ва Олмалиқ шаҳарларида 0,4 млн.донани ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2019 йилнинг январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 189,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 7,6 % ташкил этди.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 63,2 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 21,3 минг бош сигир, 201,6 минг бош қўй ва эчкилар, 6156 бош от, 695,1 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдиғини топди.

**2019 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб
чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	<i>январь-март</i>				<i>2018 январь- мартга нисбатан % ҳисобида</i>
	<i>2018 йил</i>		<i>2019 йил</i>		
	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i>	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i>	
Сабзавот	1526	10,4	1319	9,9	86,4
Мева ва резаворлар	3	5,4	5	8,6	166,7
Гўшт, тирик вазнда	1811	2,9	1856	2,8	102,5
Сут	8226	5,5	8414	5,6	102,3
Тухум, млн. дона	12,7	5,3	13,1	5,4	103,4